

КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИ.

Чирчиқ шаҳар 1-политехникуми

ўқитувчиси: Ф.Расулова.

“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”.

А.Авлоний.

Таянч сўз ва иборалар: Тарбия, ахлоқ, маънавият, маърифат, этика, ҳуққ, фалсафа, оила, жамият, комил инсон, яхши феъл, яхши ахлоқ, таълим, маориф, жамоа, фозил инсон, жамият, адолат.

Инсонлар турли-тумандир ва улар ер юзининг турли нуқталарида ҳаётгузаронлик қиладилар. Турли тилларда сўзлашадилар, турли овқатларни истеъмол қиладилар ва турли касбларда фаолият олиб борадилар. Аммо эгалаган касблари бўйича каерда яшашларидан қатъий назар бир хил фаолият олиб борадилар. Масалан, ўқитувчилар дарс жараёнини ташкиллаштира, шифокорлар беморларни даволашади, новвойлар нон ёпсалар футболчилар футбол тепадилар, яъни мақсад ва вазифалари бир бўлган инсонлар эгаллаган касб-кори юзасидан бирлашадилар ва натижада эса бир бутун жамоалар ҳосил бўлади.

Аммо қайси касб ёки ҳунарни эгаси бўлишидан, фаолият юритишдан қатъий назар инсон аввало ўша касби бўйича касбий кўникмаларни эгаллаган бўлиши лозим бўлади. “Ёшлиқдан олинган билим- тошга ўйилган нақш кабидир” деб бекорга айтишмаган доно халқимиз.

Ҳар бир инсон касбий фаолиятини олиб боришида у албатта ота-онасидан, устозларидан олган ўғитлар ва таълим, билимидан фойдаланади. Тарбия эса

аввало оиладан бошланади. Тарбия бевосита ахлоқ, одоб жараёнлари билан боғланиб кетади.

Ахлоқ — кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи. Ахлоқни *этика* фани ўрганади.

“Ахлоқ” сўзи арабчадан олинган бўлиб, “хулқ” сўзининг кўплик шаклидир.

Муқаддас динимиз бўлган исломда ҳам илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиш жуда катта савобли иш экани қайта-қайта таъкидланади. Унда инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Ислом динининг муқаддас манбалари бўлган Қуръони Карим ва ҳадисларда ҳам инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбияси масалаларини қамраб олган. Бешикдан то қабргача илм излаш лозимлигини қайд қилинишининг ўзи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳадислардаги «Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўминларга ҳам ўргатишидир» каби фикрлар ҳам таҳлилга муҳтож эмас.

Азизиддин Насафий: **“Комил инсон шундай инсондурким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”** деб билдирган фикрлари диққатга сазовордир.

Жамоаларни, бошқараётган бошлиқ ўзи қандай ахлоқий сифатларга эга бўлиши керак? Ўрта асрларда яшаб, ижод этган аллома Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” китобида мамлакатни бошқараётган ҳоким, ёнги жамоани бошқараётган бошлиқ қуйидаги 12 ҳислатга эга бўлиши лозим, деб 12-ҳислатни бирма-бир санаб ўтади. Ва ўша ҳислатлар ичида энг биринчиси – бу жамоани бошқаришда адолатли бўлиш талаб этилади. **“Қайси мамлакатни агар донишманд ва фозиллар тарк этса, ўша шаҳарда адолат сўнди деяверинг”** дейди аллома.

Тарихимизда улкан маънавий бойлиги бўлмиш “Темур тузуклари”да Соҳибқирон Амир Темур мамлакатни адолатли бошқаришга катта эътибор қаратган, вазирлар, ҳокимлар, амирлар ва давлатнинг катта-кичик барча

мансабдорлари маънавий қиёфаси, иш юритиш тартиби халққа муносабати қандай бўлиши кераклигини ойнадек қилиб белгилаб қўйган.

- **“Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади”.**

- **“Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг қилмасин деб”.**

Ҳар иккала фикрдан Амир Темур давлати қандай қонунлар асосида идора қилинганлигини билиб олиш қийин эмас. Амир Темурнинг давлат идора усули **“Куч адолатдадир”** шиори асосида олиб борилган.

Энди, жамоалар фаолиятини бошқараётган раҳбар қандай ҳислатларга эга бўлиши керак, деган масалага келсак. Менимча, бу ерда қадимги юнон файласуфи Фалес таълимотига мурожаат қилганимиз маъқулроқ. Чунки у инсондаги мавжуд бўлган ҳислатларни иккига ажратади: ёмон ҳислатлар ва яхши ҳислатлар. Яхши ҳислатларга мардлик, қаҳрамонлик, жасурлик, адолатли бўлишлик (раҳбарларга) – фазилатли бўлишлари керак, деб ҳисоблайди Фалес.

Раҳбар ахлоқи.

Ҳозирги замонда раҳбар фаолиятининг баъзи жиҳатларга катта аҳамият берилади. Одамлар ҳаётнинг яхшилик ва камчиликларини раҳбар тимсоли билан боғлайдилар. Ҳар бир раҳбар ўз хулқ-атвори билан атрофидагиларга ўрнак бўлиши керак. Хушмуомала бўлиш, бошқаларнинг фикр ва мулоҳазаларига бефарқ бўлмаслик, сабрли бўлиш ва ҳеч қачон асабийлашмаслик, адолатли бўлиш, айниқса ўз ходимларига нисбатан диққат-эътиборли бўлиш раҳбарнинг яхши хусусиятларидандир.

Ахлоққа оид билимлар жамоада одамлар хулқини тартибга солувчи ахлоқий тушунчалар, тамойиллар, талаблар, қоидалардан иборатдир.

Мустақиллигимиз туфайли Қуръони Карим, Ҳадисларнинг ўзбек тилида чоп этилиши, Марказий Осиёлик мутафаккирлар, давлат арбоблари асарларининг нашр этилиши натижасида кишиларда, айниқса ёшларда умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида янги ахлоқий тушунчалар, ахлоқий қарашлар, билимлар шакллантирилди.

Педагогик жараён муайян бир вазиятда амалга оширилади. Ана шу вазият характеридан, шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда устоз-шогирднинг ўзаро ҳамкорликдаги алоқалари йўлга қўйилади, биргаликдаги одоб-ахлоқ талаб ва қоидалари бажарилади.

Ахлоқий билимлар ҳосил бўлишининг асосий йўлларида бири касбий, умуминсоний ва миллий-ахлоқий қадриятларни билиб, англаб олишдир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидоийлик, касбга садоқат каби ахлоқий тамойиллар инсон фаолияти билан боғлиқ тарзда ахлоқий талабларга айланади ва инсонлари хулқини, хатти-ҳаракатларини тартибга солиб туради. Шу билан бирга уларнинг одоб маданияти, ахлоқий ҳис-туйғулари ўз тингловчиларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг кучли воситасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Фозил одамлар шахри”. Тошкент. 1993й.
2. “Темур тузуклари”. Тошкент, 1993й.
3. А.Шер: Ахлоқшунослик. Тошкент, 1996й.
4. Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004.